

---

## Коррупция-жамоатчилик ишончинг йўқолишидир.

Коррупция бир неча минг йиллик тарихга эга. Ёзма манбаларда коррупция ҳақида эрамиздан аввалги Шумер подшолиги даврида эслатиб ўтилади. Коррупция бизнинг кунларгача етиб келганлиги шундан далолат берадики, бошқа иллатлар каби, уни ҳам таг-туги билан йўқотиб бўлмайди. Ҳатто ривожланган ғарб давлатлари ҳам коррупциядан буткул халос бўлолмаган. Бироқ жамият ривожига хавф солувчи коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш Ер юзидаги барча давлатларда ҳамisha ва ҳамма замонда давом этган. Қуръони каримда порахўрлик бевосита тақиқланади: “Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун уни ҳокимларга гуноҳкорона ташламанг” (Бақара сураси, 188). Сўнги йилларда юртимизда ҳам коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича бир қанча салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу ишларнинг мантиқий давоми сифатида Фурқат тумани адлия бўлими ходимлари томонидан ҳам тумандаги давлат органлари ва ташкилотларида ушбу ёмон иллатнинг томирига болта уришга қаратилган тарғибот учрашувлари, давра суҳбатлари ва ўқув-семинарлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Худди шундай тадбирлардан бири Фурқат тумани Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимида ўтказилиб, бўлим ходимлари билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир давомида тумани Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимларига Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни мазмун-моҳияти ҳамда қонунчилигимизда коррупцион жиноятлар учун белгиланган жазо чоралари тўғрисида тўлиқ тушунтиришлар берилди. Фурқат тумани адлия бўлими

2022-11-15 20:14:22